

УДК: 633.511:631

**ВЎЗА НАВЛАРИНИ ТУРЛИ ЭКИШ СХЕМАЛАРИНИ ВА ЧИЛПИШ
МУДДАТЛАРИНИ ТЕРИМЛАР САЛМОВИГА ҲАМДА БИР
ЧАНОҚДАГИ ПАХТА ВАЗНИГА ТАЪСИРИ**

Ҳ. Р. Юсупов

докторант. Урганч давлат университети, Урганч

***Аннотация:** Ушбу мақолада Хоразм вилояти тупроқ иқлим шароитида экилаётган янги истиқболли S-8294 ва Султон ғўза навларни илгаритдан екиб келинаётган Хоразм-127 навига таққослаган ҳолда бир чаноқдаги пахта оғирлигига экиш тизимласини (схема) ҳамда чилпиш муддатларини таъсири ўрганилади.*

***Аннотация:** В данной статье изучено влияние схемы посадки на массу хлопчатника с коробочки, сравнивая новые перспективные сорта хлопчатника Султан и S-8294, высаженные в почвенно-климатических условиях Хорезмской области со старыми Хорезмскими. -127 сорт.*

***Annotation:** This article studies the influence of the planting system(scheme) on the weight of cotton per boll and chipping periods comparing to the new promising Sultan and S- 8294 cotton varieties planted in the soil and climatic conditions of Khorezm region with the old Khorezm-127 variety*

***Калим сўзлар:** Хоразм вилояти, нав, Хоразм-127, Султон, S-8294, вариант, кўчат қалинлиги, экиш схемаси, чилпиш, бир чаноқдаги пахта оғирлиги, назарий кўчат сони, очилган кўсақлар.*

***Ключевые слова:** Ключевые слова: Хорезмская область, сорт, Хорезм-127, Султан, S-8294, вариант, толщина сеянцев, схема посадки, чеканка, www.pedagoglar.org*

масса хлопчатника в коробочке, теоретическое количество всходов, раскрытые коробочки.

Key words: *Khorezm region, variety, Khorezm-127, Sultan, S-8294, variant, seedling thickness, planting scheme, chipping, weight of cotton per boll, theoretical seedling number, opened bolls.*

Хар қандай қишлоқ хўжалик экинлари сингари ғўзада ҳам ҳосилдорликга минерал ўғит ва суғориш меъёрлари билан бир қаторда озиқлантириш майдони ҳам ўз таъсирни ўтказади. Шу билан бирга турли озиқлантириш майдонида парваришланган ғўза навларини кўсакларини очилиш динамикаси ҳамда бир дона чанокдаги пахтанинг оғирлигини таъсири муҳим аҳамият касб этади.

В.И. Сухов [1; 12-б.] берган маълумларги кўра, чилпиш тадбири ўтказилиши, бир дона чанокдаги пахта вазни чилпиш ўтказилмаган вариантга нисбатан 0,2 г. -0,5 г. гача юқори бўлишлигини аниқланган. Бу эса ўз навбатида гектаридан 1,0-1,5 центнер дан қўшимча пахта ҳосил олиш учун имкон беришини таъкидлаб ўтган.

С.Алланазаров, О.Синдаров ва бошқаларнинг [2; 6-8-б] малумотларига қараганда Тошкент вилояти тупроқлари шароитида, С-6560 ғўза навидан юқори ҳосил олиш учун 80-90 ва 100-110 минг туп/га кўчат қолдирилиб, кўчат қалинлигига мос равишда 13-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказиш зарур эканлиги ва чилпиш ўтказилмаган вариантга нисбатан 3,7-2,6 ц/га кўпроқ ҳосил олиниши мумкинлиги аниқланган.

Шунингдек, ЎзПИТИ-202 ғўза навини турли кўчат қалинлигида парваришлаб, унда чилпиш тадбири ўтказилганда, энг юқори кўрсаткичлар ғўзани 100-110 минг кўчат қалинлигида парваришлаб, 13-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказиш керак эканлиги ва бунда ғўзадан 2,7 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришиш мумкинлиги кузатилган.

Ш.Абдуалимов [3; 9-б]нинг тавсиясига кўра унумдор тупроқларда бир

туп ғўзада 12-13 дона ҳосил шох, ўртача унумдор тупроқларда 11-12 дона ҳосил шох ва унумдорлиги паст ерларда 10-11 ҳосил шохи тўпланганда чилпиш ўтказиш тавсия этилади. Қўшқатор усулда экилган ерларда бу тадбирни ғўза тупида 9-10 дона шох ҳосил бўлганда ўтказиш мумкин.

Юқоридаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда пахта теримида тушушдан ҳар бир делянкадан бир ўсимлик ҳисобида умумий етилган кўсаклар сони, шундан очилган чаноқлар сони ҳамда 50 тадан чаноқдаги пахта териби олиниб унинг оғирлиги алоҳида алоҳида ўрганилди.

Биз тажрибаларимизни Хоразм вилояти ПСУ ва ЕАИТИ Хоразм ИТС шароитида ғўзанинг янги истиқболли Султон ва S-8294 ғўза навларини илгаритдан экиб келинаётган Хоразм-127 ғўза навида таққослаган ҳолда кўчат қалинлигига экиш тизимлари ҳамда чилпиш муддатлари таъсири ўрганилди.

Ўтказилган дала тажрибаси 13 вариантдан иборат бўлиб, 4 та такрорланишда 1 ярусда жойлаштирилди. Тажриба вариантлари 8 қатордан иборат бўлиб, қатор ораси 60 см кенгликда ва ҳар бир вариант узунлиги 50 метрда бегилаб олинди, шунда бир делянка майдони 240 м² ни ташкил этган ҳолда ҳисобга олинган майдон 120 м² ни ташкил этди. Тажрибанинг умумий майдони 12500 м² ни ташкил этди.

Олинган маълумотларга кўра, назорат 1 вариантда яъни 60x15-1 экиш схемасида экилиб, 12-14 ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилганда умумий етилган кўсаклар сони 12,1 донани ташкил этган бўлса, шунда биричи теримда 7,1 дона очилганлиги, 2-теримда 3,7 дона кўсак очилганлиги аниқланди.

Тажрибада ғўзани Султон навини 60x12-1 схемада экиб, 10-11 ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилган 2-вариантда умумий кўсаклар сони 8,5 донани ташкил этган ҳолда, биричи теримда 6,0 дона кўсак очилганлиги, 2-теримда 2,3 дона очилганлиги кузатилди.

Аммо, бир чаноқдаги пахта оғирлиги аниқланганда 1-вариантда 3,7 г/ни ташкил этган бўлса, 2- вариантда бу кўрсаткич 4,5 г/ни яъни назоратга нисбатан 0,8 г га юқори бўлганлиги кузатилди.

Ушбу Султон навини 60x12-1 схемада экилганда энг юқори кўрсаткич 12-

14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган 3-вариантда кузатилиб, умумий кўсақлар хисобига (11,5 дона) 7,3 дона ва 4,5 г бўлганлиги кузатилди.

Тажрибадаги Султон нави парваришланганда энг юқори кўрсаткич икки теримда ўртача 6-вариантда яъни 60x15-1 схемада экилиб, 12-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда кузатилиб, очилган кўсақлар сони 11,7 донани бир чаноқдаги пахта оғирлиги 4,0 г/ни ташкил қилган холда умумий кўсақлар сонини 95,12 фойизи тўлиқ очилиб улгурганлиги кузатилди.

1-жадвал

**Вўза навларни бир чаноқдаги пахта оғирлигига чигит экиш схемаси
ва чилпиш муддатларни таъсири**

2022 йил

№	Навлар	Экиш схема си	Чилпиш муддатл ари	Умумий кўсақла р сони, дона	1-теримда		2-теримда		Жами, ўртача		Очилган кўсақла р, %
					Жумладан очилган кўсақлар сони, дона	Бир чаноқдаги пахта оғирлиги, г.	Жумладан очилган кўсақлар сони, дона	Бир чаноқдаги пахта оғирлиги, г.	Жумладан очилган кўсақлар сони, дона	Бир чаноқдаги пахта оғирлиги, г.	
1	Хоразм- 127	60x15- 1	12-14	12,1	7,1	3,7	3,7	3,2	10,8	3,5	89,26
2	Султон	60x12- 1	10-11	8,5	6	4,5	2,3	3,6	8,3	4,1	97,65
3			12-14	11,5	7,3	4,5	2	3,5	9,3	4	80,87
4			15-16	13,5	7,5	4,4	2,2	3,6	9,7	4	71,85
5		60x15- 1	10-11	10,4	6,6	4,8	3,5	4	10,1	4,4	97,12
6			12-14	12,3	7,2	4,6	4,5	3,3	11,7	4	95,12
7			15-16	13,7	8,3	5,2	3,5	3,3	11,8	4,3	86,13
8		S-8294	60x12 1	10-11	7,5	5,0	4,6	2,3	3,5	7,3	4,1
9	12-14			9,5	5,9	4,7	2,9	3,6	8,8	4,2	92,63
10	15-16			12,3	6,5	4,7	2,3	3,6	8,8	4,2	71,54
11	60x15- 1		10-11	9,9	6,7	4,8	2,4	3,7	9,1	4,3	91,92
12			12-14	12,3	6,8	4,9	3,0	3,6	9,8	4,3	79,67
13			15-16	14,1	7,2	5,0	2,9	3,5	10,1	4,3	71,63

юқори кўрсаткич 15-16 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда умумий кўсақлар сони 10-вариантда кузатилиб, 12,3 донани ташкил этган бўлса, икки терим бўйича ўртача кўсақларни очилиши ва бир чаноқдаги пахта оғирлиги тахлил қилинганда ўртача 8,8 дона очилганлиги ва бир чаноқдаги пахта оғирлиги 4,2 г/ни ташкил этганлиги аниқланди. Аммо, умумий очилган кўсақлар 71,4 фойизни ташкил этганлиги кузатилди. Ушбу экиш схемасида энг юқори кўрсаткич 10-11 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган варинатда кузатилиб, умумий кўсақлар сонини 97,33 фойизини ташкил этди. (1-жадвал)

Умуман олганда тажрибада иштирок этган иккала навда ҳам чилпиш муддатлари кечиккан сари кўсақларни очилиш сурати ҳам кечикканлиги кўчат қалинлиги камайган ҳам бир чаноқдаги пахта оғирлиги юқори бўлишлиги ҳамда умумий кўсақлар кўпайганлиги ўз исботини топди. Шу билан бирга янги навларни биологик жихатдан тез пишарлиги ҳисобига Назорат вариантыдан юқорилиги исботланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сухов В.И. Чеканка хлопчатника в Туркмении. Туркменгосиздат—1939-Ашхабад. 12 с.
2. Алланазаров С, Синдаров О, Эгамбердиев Р, Хаитбаева Ж, Муродова Д. Турли кўчат қалинлигида парваришланган янги, раёнлашган ва истиқболли ғўза навларида чилпишнинг самарадорлиги. // Ўзбекистон қишқоқ ва сув хўжалиги. Тошкент, 2022, Махсус сон, б-б-8.
3. Абдуалимов Ш. Чилпиш муҳим тадбир. // Ўзбекистон қишқоқ ва сув хўжалиги. Тошкент, 2023, №8, б-9.